

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИБИЁТ АКАДЕМИЯ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ХАРБИY ТІВВІYOT  
йұналиши**

**“ХАРБИЙ ТИБИЁТДА ЗАМОНАВИЙ  
ДИАГНОСТИК ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ”  
МОДУЛИ БҮЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент 2018**

*Мазкур ўқув-услубий мажсума Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 201\_\_  
йил \_\_\_\_\_ даги \_\_-сонлибуйруғи билан тасдиқланган ўқув режса ва дастур  
асосида тайёрланди.*

**Тузувчи:** Тошкент тиббиёт Академияси хузуридаги  
Харбий тиббиёт факултети Ҳарбий дала жарроҳлиги  
кафедраси бошлиғи тиббиёт хизмати подполковниги  
А.Н. Насриддинов.

**Тақризчи:** ТТА харбий тиббиёт факултети харбий дала жарроҳлик  
кафедраси тиббий хизматполковниги А.Ф.Рахимов  
Қурли Кучлар Академияси бошлигининг ўқув ишлари  
бўйича ўринбосари подполковник А.Л. Ниғматов

*Ўқув-услубий мажсума Тошкент Тиббиёт Академияси Кенгашининг  
201\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия  
қилинган*

## **МУНДАРИЖА**

I. Ишчи дастур .....	2
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълимметодлари .....	10
III. Назарий материаллар .....	26
IV. Амалий машғулот материаллар .....	44
V. Кейслар банки .....	50
VI. Мустақил таълим мавзулари .....	65
VII. Глоссарий.....	66
VIII. Адабиётлар рўйхати .....	79

## Кириш

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга оширишузлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ва мазмунини замонавий фан ютуқлари ва ижтимоий тажрибага таянган ҳолда туб ислоҳотларни кўзда тутади. Бунинг учун, аввало, таълим тизимининг барча шаклдаги муассасаларида таълим жараёнини илғор, илмий-услубий жиҳатдан асосланган янги ва замонавий услугият билан амалда таъминлаш лозим. Ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, услубий талабларига кўра фан, техника ва илғор технология ютуқларидан унумли фойдаланиш бугунги таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрллаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732 сонли Фармони.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ахолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва самарасини ошириш учун тиббиёт ходимларида, айниқса тиббиёт кадрларини тайёрлашга масъул бўлган профессор – ўқитувчиларининг тиббиёт фани бўйича билим, қўникма ва малакаларини ошириш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир.

Шу ўкув услубий мажмуада ҳарбий тиббиётнинг долзарб масалалари ва уларнинг фармакотерапияси - касалликларни даволаш стандартлари ва клиник протоколлари. Ҳарбий тиббиётда беморларни интегрирлашган усулда даволаш. Ҳарбий тиббиётда учрайдиган шошилинч ҳолатларда тез ёрдам кўрсатиш шарт-шароитлари ва бошка юкори технологияларни кулланади. Ҳарбий тиббиёт йўналишида жаҳон тиббиётида кенг қўлланилаётган даволаш технологияларини қўллашига катта ахамият берилади.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида ҳамда Мудоофаа вазирлиги тизими кадрларни тайёрлашда мухим ўрин эгаллади. Шуни хисобга олиб, даволаш иши ҳарбий тиббиёт фани бўйича ушбу дастур тузилди ва унга асосан ўқув қўлланмалар, тарқатма материаллар тайёрланди.

Тошкент Тиббиёт Академияси қошидаги раҳбар ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказида барча тиббиёт йўналишлари профессор ўқитувчилари учун асосий фан сифатида ўқитилимокда.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Ҳарбий тиббиётда замонавий диагностик ва даволаш усуллари” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини ҳарбий тиббиётда замонавий диагностик ва даволаш усулларининг ўрни, ҳарбий тиббиёт билан таништириш.

**“Ҳарбий тиббиётда замонавий диагностик ва даволаш усуллари” модулининг вазифалари:**

- ҳарбий тиббиёт фанларини ўқитишида педагогик фаолият, олий таълимда ўқитиши жараёнигини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;
- тингловчиларнинг ҳарбий тиббиёт фанлари муаммоларини таҳлил этиш қўникма ва малакаларини шакллантириш;
- ҳарбий тиббиётда замонавий диагностик ва даволаш усулларининг ўрнихақида маълумотлар бериш;
- ҳарбий тиббиёт фанлари муаммоларини ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиши.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **Тингловчи:**

Харбий тиббиёт йўналиши фанининг асосий назарий ва амалий соҳаларда эришган ютуклари, муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини;

Харбий тиббиётйўналиши соҳасидаги инновацияларни ва таълим технологияларини ўқув жараёнига татбиқ этишнинг назарий ва амалий асослари;

Харбий тиббиётйўналиши соҳасидаги касалликларни ва уларнинг ривожланиш босқичларини;

Харбий тиббиётйўналиши касалликларнинг кечиш ҳусусиятларини ва профилактикани **билиши** керак.

### **Тингловчи:**

даволаш ишиҳарбий тиббиёт йўналиши касалликларга социал-демографик муаммолардан келиб чиқсан ҳолда ташхис қўйиш;

замонавий диагностика, даволаш ва профилактика усулларидан самарали фойдаланиш;

даволаш ишийўналиши касалликларнинг интегрирлашган усулда даволаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

харбий тиббиёт йўналиши касалликлари даволашда юқори технологияларни қўллаш;

харбий тиббиёт йўналиши касалликларида профилактикани ўрни;

харбий тиббиёт йўналиши фанларини ўқитишида муаммоли педагогик вазиятларга инновацион ёндашиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **Тингловчи:**

терапия йўналиши касалликларида профилактикани усулларни қўллаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Тиббиётда профилактиканинг ўрни” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўкув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Тиббиётда профилактиканинг ўрни” модули мазмуни ўкув режадаги “Тиббиётда замонавий диагностика усуллари” ва “Даволашда юкори технологияларни куллаш” ўкув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг терапевтик касалликларни профилактика бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

## **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар терапевтик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил тальим	
			Аудитория ўқув юкламаси			Жумладан			
			Жами	назарий	амалий машғулот	Кўчма машғулот			
1.	Замонавий ҳарбий конфликтлардаги жарроҳлик ёрдамини ташкил этиш асослари. Ўқотар яраланишнинг яра баллистикаси ва морфологияси. Ярага жарроҳлик ишлови бериш.	6	6	2	2	2			
2	Жанговар термик шикастланишлар. Арасида (комбинирланган) жарохатланишларда замонавий диагностик ва даволаш усуллари	8	6	2		4	2		
5	Жами	14	12	4	2	6	2		

## **НАЗАРИЙМАШҒУЛОТЛАРМАЗМУНИ**

**1-мавзу: Замонавий ҳарбий конфликтлардаги жарроҳлик ёрдамини ташкил этиш асослари. Ўқотар яраланишнинг яра баллистикаси ва морфологияси. Ярага жарроҳлик ишлови бериш .**

Ярадорларни босқичларда даволаш тизими. Тиббий эвакуация босқичларида ярадорларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг турлари. Кенг кўламли урушларда, локал конфликтларда ва қуролли тўқнашувларда кўрсатиладиган малакали ва ихтисослашган жарроҳлик ёрдамининг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ярадорларга кўрсатиладиган жарроҳлик ёрдамининг ўзига хос хусусиятлари. Яра баллистикаси. Ўқотар қуролдан яраларнинг шаклланиш механизми, морфологияси ва ўзига хос хусусиятлари. Ўқотар қуролдан яраларни даволаш ва бирламчи жарроҳлик ишлови принциплари.

**2- мавзу:Жанговар термик шикастланишлар. Арапаш (комбинирланган) жарохаталанишларда замонавий диагностик ва даволаш усуллари**

Жанговар термик шикастланишлар. Арапаш (комбинирланган) жарохаталанишларда замонавий таснифи ва ташхислаши.

Жанговар термик шикастланишлар. Арапаш (комбинирланган) жарохаталанишларда замонавий диагностик ва диагностика усулларини қўллаш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

**1-амалий машғулот:**

**1-мавзу: Замонавий ҳарбий конфликтлардаги жарроҳлик ёрдамини ташкил этиш асослари. Ўқотар яраланишнинг яра баллистикаси ва морфологияси. Ярага жарроҳлик ишлови бериш .**

Ярадорларни босқичларда даволаш тизими. Тиббий эвакуация

босқичларида ярадорларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг турлари. Кенг кўламли урушларда, локал конфликтларда ва қуролли тўқнашувларда кўрсатиладиган малакали ва ихтисослашган жарроҳлик ёрдамининг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида ярадорларга кўрсатиладиган жарроҳлик ёрдамининг ўзига хос хусусиятлари. Яра баллистикаси. Ўқотар қуролдан яраларнинг шаклланиш механизми, морфологияси ва ўзига хос хусусиятлари. Ўқотар қуролдан яраларни даволаш ва бирламчи жарроҳлик ишлови принциплари.

**Бирламчи профилактика:** соғлом турмуш тарзи, турмуш даражасини ошириш, яшаш шароитини яхшилаш, меҳнат ва дам олиш тартибиға риоя қилиш.

**Иккиламчи профилактика:** касалликни эрта муддатларда аниқлаш (профилактик кўриклар, скрининг). Номедикментоз ва таъсири исботланган дорилар билан медикментоз даволаш.

**Учламчи профилактика:** касалларни ўз вақтида кузатиш, ўткир ва сурункали асоратларни профилактикаси, лаборатор-инструментал текширувлар маниторинги. Асоратларни сифатли реабилитасияси.

## 2- машғулот:

**Жанговар термик шикастланишлар. Аralаш (комбинирланган) жарохаталанишларда замонавий диагностик ва даволаш усуллари**

Жанговар термик шикастланишлар. Аralаш (комбинирланган) жарохаталанишларда замонавий таснифи ва ташхислаши.

Жанговар термик шикастланишлар. Аralаш (комбинирланган) жарохаталанишларда замонавий диагностик ва диагностика усулларини кўллаш.

**Бирламчи профилактика:** соғлом турмуш тарзи, турмуш даражасини ошириш, яшаш шароитини яхшилаш, меҳнат ва дам олиш тартибиға риоя қилиш.

**Иккиламчи профилактика:** касалликни эрта муддатларда аниқлаш (профилактик кўриклар, скрининг). Номедикментоз ва таъсири исботланган дорилар билан медикментоз даволаш.

**Учламчи профилактика:** касалларни ўз вақтида кузатиш, ўткир ва сурункали асоратларни профилактикаси, лаборатор-инструментал

текширувлар мониторинги. Асоратларни сифатли реабилитасияси.

## ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- аърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустахкамлаш);

- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

- Тошкент тиббиёт академиясининг қишлоқ врачлик пункти модулда профилактика ва диспанцеризатция масалаларини амалиётга тадбиқ этиш.

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ


№	Ўқув-топшириқ турлари	Максимал балл	Баҳолаш мезони			
			“аъло”	“яхши”	“ўрта”	“қоник арсиз”
1.	Назарий билим	1,5			1,4-1,7	1,4 <
2.	Амалий кўнікма	1	2,2-2,5	1,8-2,1		

### Кўчма машғулотлар:

кўчма машғулотлар - Тошкент тиббиёт академияси кафедраларда, УАШ ПОК модулларда, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, Республика ихтисослашган эндокринология илмий амалий тиббиёт марказида республика шифохоналарда, тиббиёт марказларда ўтказилади.

## **II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАЊОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

Ўқитиш жараёнини замон талаб даражасига кўтариш бу инновацион таълим технологиялари олий таълимни модернизациялаш асосий омилидир. Инновацион таълим технологияларини мақсади: назарий ва амалий машғулотларни режалаштириш технологиялари бўйича билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш.



### **ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ МОДУЛИ**

Тингловчилар мавзуни инновацион технологиялар усулида ўрганиш натижасида қуидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар:

- “назарий дарс” ва “амалий машғулот” га таъриф берадилар;
- педагогик жараён элементларини санаб берадилар;

- таълим берувчининг дидактик ҳатти-ҳаракатлари мавзусини тушунтириб бера олади;
- ўқитиш ва ўқиши циклиниң босқичларини фарқлай олади;
- ўқув мақсадларини турлари бўйича ажрата олади;
- таълим жараёнига инновацион таълим технологияларини тадбиқ эта олади.

Америкалик психолог олим Бенджамин Блум томонидан яратилган “Блум таксономияси ўрганиш даражаси 6 поғонадан иборат бўлиб, когнитив ўқув мақсадлари соҳаси ушбу поғоналар бўйича фарқланади.

«Билиш» даражаси когнитив соҳанинг энг қуи босқичи бўлиб, у тушунчалар, далиллар ва тамойилларни эслаш демакдир. Бу босқичда шахс ўзлаштирган билимларини хотирада сақлаши ва эслashi, уларни номлаши ва айтиб бера олиши керак.

«Тушуниш» босқичида ўзлаштирилган билимлар моҳияти ойдинлаштирилади ва англаб етилади.


«Кўллаш» босқичида ўзлаштирилган назарий билимлар турли шаклларда

кўлланилади. Тахлил» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни тахлил қилиш имқонини беради.

«Синтез» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни ўзаро бир-бирига боғлаш ва умумий алоқадорликларни аниқлаш имқонини беради.

«Баҳолаш» даражаси энг юқори босқич хисобланади. Бу босқич олинган билимлар асосида маълум қадриятларга тааллуқли ҳолатларни баҳолаш, қарор қабул қилиш, муаммоларни ҳал қилиш ва баҳолаш мезонларини яратиш кўникмаларини ўзлаштиришни назарда тутади.

## БЕНДЖАМИН БЛУМ “БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИ”



## “КИЧИК ГУРУХДА ИШЛАШ” МЕТОДИ


### “Кичик групкаларда ишлаш” методини мақсади:

- таълим олувчиларни фаоллаштириш
- уларни кичик групкаларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш
- берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий ишлаш.

**Кичик групкаларда ишлаш методини мазмуни:** – бу ўқув топшириғни ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик групкаларда ишлашга мўлжалланган таълимни ташкил этиш шаклидир

Ушбу метод кўлланилганда таълим олувчи кичик групкаларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-бираидан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

## **Гурухларни қандай жойлаштириш маъқул кўринишиларидан бири.**



Талабаларга интерфаол метода дарс олиб боришга ижобий таъсир этувчи омиллардан, бу ўқув хонасини холати, гурухларни ўзаро жойлашиш тартиби хам мухим хисобланади.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имқониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.

### **“Кичик гурухларда ишлаш” методининг вазифалари қўйидагилардан иборат:**

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гурухлар белгиланади. Таълим олувчилар гурухларга 3-5 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гурухлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гурухлар тақдимот қиласадилар.
6. Бажарилган топшириқлар мухокама ва таҳлил қилинади.

7. Кичик гурухлар баҳоланади.

**“Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси**



“Овқатланиш физиологияси асослари”фани бўйича амалий машғулоти учун ўқув топшириғи ва уни бажариш бўйича йўриқнома

*1 топшириқ*

Витаминалар классификациясини график органайзерлар кўринишида келтиринг. (Кластер, Тоифалаш жадвали)

*2 топшириқ*

Таркибида С витаминни ва А витаминни мавжуд бўлган маҳсулотларни Венн диаграммасида умумий ва фарқли турларни аниqlanng.

### *3 топширик*

Таркибида В гурух витаминларни ва Д витаминни мавжуд бўлган махсулотларни Венн диаграммаси да умумий ва фарқли турларни аниqlанг.

Гуруҳда топшириқни бажариш йўриқномаси:

1. Гуруҳда лидерни сайланг;
2. Топширик билан танишинг ва уни қандай қилиб бажаришингизни мухокама қилинг;
3. Топшириқни биргаликда бажаринг;
4. Тақдимотга тайёрланинг ва килинг;
5. Бошқа гуруҳларга бериш учун саволларни тайёрланг ва беринг;
6. Гуруҳлар ишини баҳоланг.

### “БАХС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ

#### **“Бахс-мунозара” методи мақсади:**

- бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув.

-хар бир ўқувчини фаол иштирокини таъминлаш.

-ўқувчида мустақил фикрни шакллантириш

—ўқувчида нутқ маданиятини ўстириш

#### **Бахс мунозара методини мазмуни.**

Бахс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Бахс-мунозара” методини ўтказишида қуидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имқоният яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (кўлини кўтариб, рухсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя
- қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро хурмат

**“Бахс-мунозара” методининг вазифалари босқичлари  
куидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлади. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гурухларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қиласи.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

## **“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси**



### **Б/Б ТЕХНИКАСИНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМА.**

1. Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдиринг.
2. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-устунни тўлдиринг.
3. Ўйланг, жуфтликда ҳал этинг ва жавоб беринг, ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак, 4-устунни тўлдиринг.
4. Маърузани тингланг ва визуал материаллар билан танишинг.

## **”КИМ КҮПРОҚ, КИМ ТЕЗРОҚ?” иш ўйинини ўтказиш усули:**

### **Иш учун зарур:**

1. мавзу бўйича саволлар ёзилган карточкалар ( карточкаларнинг сони гуруҳдаги тингловчилар сонига teng; ҳар бир карточкада 5 тадан савол бор).
2. Секундомер.

### **Ишнинг бориши:**

1. Ўйин оғзаки тарзда ўтказилади.
2. Тингловчилар навбат билан саволли карточкаларни тўпламдан суғуриб оладилар.
- 3.Ҳар бир талаба 3 дақиқа давомида карточкада ёзилган саволлар тўпламига (5) оғзаки жавоб беради.
4. Ўқитувчи тўғри жавоблар сонини ҳисоблайди.
5. Ўйинда барча тингловчилар қатнашадилар
6. Ўйиннинг умумий вақти – 45 дақиқа.
7. Тўғри жавоблар берилмаган саволлар муҳокама қилинади.
8. Тингловчиларнинг жавоблари қўйидаги шаклда баҳоланади:
  - 5 та тўғри жавоб – 100 балл
  - 4 та тўғри жавоб – 80 балл
  - 3 та тўғри жавоб – 60 балл
  - 2 та тўғри жавоб – 40 балл
  - 1 та тўғри жавоб – 20 балл
  - 0 та тўғри жавоб – 0 балл
9. Тингловчилар олган балл машғулотнинг жорий баҳосини қўйишида хисобга олинади.
10. Жариданинг пастки бўш қисмида иш ўйинининг ўтказилганлиги хақида маълумот гурух сардорининг имзоси билан белгиланади.

## **«МИОКАРД ИНФАРКТИ» профилактика бўйича**

### **1. «Ким кўпроқ, ким тезроқ?» иш ўйини.**

#### **Иш ўйинини ўтказиш учун саволлар:**

1. Миокард инфаркти бирламчи профилактикаси хақида тушунча беринг.
2. Миокард инфарктининг иккиламчи профилактикаси.
3. Миокард инфарктининг учламчи профилактикаси.
4. Миокард инфарктининг хавфли омилларни айтинг.
5. Миокард инфарктига олиб келувчи сабабларни сананг.
6. Миокард инфаркти билан ўғриган bemор қайси профилактика турига мухтож.
7. Миокард инфаркти билан ўғриган bemорларда асоратларни олдини олиш учун нима қилиш мумкун.
8. Миокард инфарктининг олдини олиш бўйича тавсияларингиз.
9. Миокард инфарктининг астматик шаклида учламчи профилактикани айтинг.
10. Миокард инфарктининг аритмик шаклида учламчи профилактикани айтинг.
11. Миокард инфаркти ва қандли диабет билан оғриган bemорларда учламчи профилактиканинг ўзига хослиги айтинг.
12. Миокард инфарктинидаги оғриқнинг атипик жойлашувли шаклини айтинг

#### **“ЎРГИМЧАК ТЎРИ” иш ўйини:**

**1-қатнашчи:** 1. Миокард инфаркти ва қандли диабет билан оғриган беморларда учламчи профилактиканинг ўзига хослиги айтинг.

2. Миокард инфаркти асоратларининг олдини олиш хақида сўзланг.

**2-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг аритмик шаклида учламчи профилактикани айтинг.

2. Миокард инфаркти бирламчи профилактикаси хақида тушунча беринг

**3-қатнашчи:** 1. Сурункали юрак йетишмовчилигининг учламчи профилактикаси.

2. Миокард инфарктининг қиёсий ташхисини сўзланг

**4-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг клиникаси  
2. Юрак аритмияларида учламчи профилактика

**5-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг атипик шаклларини сананг  
2. Ўпка шишини диагностикачини сўзланг.

**6-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг абдоминал шаклини айтинг  
2. Дресслер синдромини диагностикачини сўзланг.

**7-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг астматик шаклини айтинг  
2. Ритм бузилишларини диагностикачини сўзланг

**8-қатнашчи:** 1. Миокард инфарктининг аритмик шаклини профилактикаси айтинг  
2. Миокард инфарктининг лаборатор диагностикаси.

## **2. Миокард инфарктини даволашда кўлланиладиган асосий препаратлар гурҳи**

### **Графикли органайзерлар техникаси.**

I. Маълумотларни таркиблаштириш ва таркибий бўлиб чиқиш, ўрганилаётган тушунчалар (ҳодисалар, воқеалар, мавзулар ва шу кабилар) ўртасида алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг йўли ва воситалари.

**1. Кластер – (Кластер-тутам, боғлам) – ахборот харитасини тузиш йўли – барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун кандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йигиши. Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очик жалб қилишга ёрдам беради. Тингловчилар Кластерни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади. Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз в таклифлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзиб қўшилади. Уларни асосий сўз билан чизиклар ёрдамида бирлаштирилади. Ёзува жратилган вақт давомида ёки ғоялар ту гагуничадавомэтишимумкин.**

**Муҳокама учун кластерлар билан алмашинадилар.**

### **Кластерни тузиш қоидаси:**

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялари сифатини муҳокама қилманг фақат уларни ёзинг.
2. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агарда ақлингизда ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда қачонки янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизиб туринг.

### **Намуна: “Кейс-стади” методи.**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-

натижа (What).

### **“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

<b>Иш Босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имқониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурӯҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имқониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

### **«ФСМУ» методи.**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали

ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

### **“Ассесмент” методи.**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки

қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

### **“Портфолио”методи.**

“Портфолио” – ( итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

**1-мавзу:Тиббиётда профилактиканинг ўрни. Кардиологик касалликларда профилактикаси.**

**Режа:**

1. Тиббиётда профилактиканинг ўрни. Кардиологик касалликларнинг долзарб муаммолари, тарқалиши.
2. Кардиологик касалликларда бирламчи профилактика.
3. Кардиологик касалликларда иккаламчи ва учламчи профилактика.

**Таянч иборалар:** АБ - артериал босим, САБ- систолик артериал босим, ДАБ-диастолик артериал босим, ЭЧТ- эритроцитлар чўкиш тезлиги, ЎАТЭ -ўпка артерияси тромбоэмболияси, ББ- бета блокаторлар АКБ- артериал қон босим

**1.1. Тиббиётда профилактиканинг ўрни. Кардиологик касалликларда профилактиканинг ўрни.**

Профилактика турлари. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш. Овқатланиш ва хўжалик гигиенаси. Профилактик кўрик ва скрининг. Инфекцион ва ноинфекцион касалликлар прафилактикаси. Иммунизация. Дастур ва тадбирлар.

**УАШ фаолиятида профилактика.**

Умумий амалиёт шифокорининг иши нафақат даволашга, балки авваламбор касалликларни профилактикасига қаратилган бўлади. Бу шуни билдирадики, врач ҳар учрашувда соғлом ахолини муносабатини ўзгартиришга харакат қилиши керак. Шунингдек беморни ўз соғлиғига бўлган эътиборини шу касалликни даволашда ва янги касалликларни олдини

олишга беморни тарбиялай олиш керак.

Оилавий шифокор ишининг ядросини ёки асосий қисмини профилактик иш ташкил қиласди. Текширувлар натижаси шуни кўрсатадики, ривожланган давлатлар аҳолисининг 85%и УАШга 1йилда 1мартадан кам бўлмаган ҳолда мурожаат қиласди, ўрта ҳисобда киши бошига 5 та ташрифга тўғри келади. Шифокор олдига касаллик симптомлари ва шикоятлари билан келганди, улар кўпроқ соғлигини қандай сақлашга ва мос равища тузалиш маслаҳатга берилувчан бўлиб келадилар. Оилавий шифокор соғлигини яхшиланишида ва индивидуал даражада касалликни огоҳлантиришда асосий бўғин бўлиб хизмат қиласди. Ишнинг асосий мақсади у ёки бу соҳада инсонни соғлом бўлишига, ҳаёт сифатини оширишга касалликни олдини олишга ўлим ва ногиронлик кўрсаткичини пасайишига умрни узайтиришга қаратилган бўлади.

Профилактика бу инсонларни ўзининг соғлиғига масъулиятли муносабатига, касалликларни бартараф қилишга, соғлиқни мустаҳкамлашга ва қўллаб қувватлашга соғлом турмуш тарзига риоя қилишга қаратилган чора тадбирлар йиғиндисига айтилади.

### **Профилактика турлари.**

**Бирламчи профилактика** - бу соғлиқни максимал сақлашга қаратилган чора тадбирлар йиғиндиси бўлиб, турли хил касалликларни соғлом аҳоли орасида хавф омилларини (уларга: бошқарилмайдиган ёш, жинс, наслий мойиллик ва бошқариладиган чекиш, носвой, алкоголь, кам ҳаракат ҳаёт тарзи, семизлик, нотўғри овқатланиш ва бошқалар) аниқлаш ва бошқариб бўладиганларини бартараф этиш. Буларга қуйидаги маслаҳатлар киради: соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, заарли одатлар билан курашиш, физик машқлар билан доимий шуғулланиш киради.

Бирламчи профилактиканга шунингдек санитар профилактик чора тадбирлар ҳам киради: ҳожатхона, сувни тозалаш, пашшалар билан курашиш, қўл ювиш, санитар оқартув ишлари (буклетлар, лекциялар).

**Иккиламчи профилактика** - бу эрта диагностика ва замонавий даволаш. Бунга скрининг профилактик текширувлар киради. Биз биламизки, ўсма касалликлари асосан қари одамларда учрайди, масалан кўкрак бези саратони. Кўкрак безидаги ўзгаришларни эрта аниқлаш учун оиласвий врачлар кўкрак безини 25 ёшдан барча аёллар ўз кўкрак безларини мустақил пайпаслаб туришлари ва хавф омиллари бор аёлларда 40 ёшдан бошлиб 2 йилда 1 марта маммография ўтказишни маслаҳат берадилар.

**Учламчи профилактика** - бу касалликни ўз вақтида даволаш, асоратларини олдини олиш. Масалан: биз барча АГ, КД бор беморларга инсульт ва БМЎИ ни олдини олишга аспирин буюрамиз.

Беморларга турмуш тарзини нисбатан ўзгаришишга маслаҳат бериш УАШ вазифасига киради.

**Соғлом турмуш тарзи (СТТ)** деб биологик маънода овқатланишнинг оптимал шароитини озикланиш, этилиш инсоннинг организмини физиологик ёш жинсга мос равишда ривожланишини ўз ичига олади. Соғлом турмуш тарзи учун курашда УАШ ахоли орасида огоҳлантирувчи чора тадбирларни ўтказиш учун чуқур билим керак бўлади.

Мисол учун, кардиоваскуляр касалликларни эрта аниқлаш ва огоҳлантириш соғлом турмуш тарзини олиб боришга оиласвий тиббиёт алоҳида эътибор қаратади. Чекиш, гиподинамия, ёғларни кўп истеъмол қилиш ва ортиқча тана вазни кардиоваскуляр касалликларни фақатгина хавф гуруҳига киравучи bemорларда эмас, балки барча инсонлар учун хавф туғдиради. Хар бир хавф омили алоҳида хавфга таъсир кўрсатади, аммо 2 ва 3 факторларни бирга келиши касалликни пайдо бўлишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Инсонларни турмуш тарзини яхшиланиши чеклаш, юрак касалликлари билан касалланишни камайтирувчи самарали восита бўлиб хизмат қиласди.

Овқатланиш ва физик юклама кардиоваскуляр касалликларни олдини олишда асосий рол ўйнайди. Шу ўринда ҳаёт сифатини саклашга ва умумий касалланиш пасайишига таъсир кўрсатади. Хар қандай ёшда ҳам соғлиқни

таъминлаш учун 30 минутгача ҳафтада 3-5 марта физик юклама ва овқатланишни нормаллаштириш муҳим аҳамият касб этади. УАШ агар беморни ортиқча тана вазни безовта қилса соғлом овқатланиш тўғрисидаги саволларга жавоб бериши мумкин, ҳамда шифокор мақсадни озиқланиш программасини тузиб бериши мумкин.

Катталар орасида сигарет чекиш ва алкогол вақтидан илгари ўлимнинг асосий сабабчиларидан бири ҳисобланади. Чекишни ташлаш осон эмас, лекин оиласвий шифокорларнинг бу мавзудаги қисқа маслаҳати яхши натижалар бериши мумкин. Пассив чекиш кўпгина касалликлар билан боғлиқ бўлиб масалан болалар орасида тўсатдан ўлиш нафас йўллари хасталиклари астма ўпка раки, катталарда ўпка ва юрак касалликлари бўлиши мумкин. УАШ ни бошқа тор мутахассисликлардан фарқли равиша демонстрируйдайти. Беморларнинг ҳаёт тарзига таъсир қилиш узоқ вақт узлуксиз ва ҳар томонлама кузатишга даволаш ва профилактик чора тадбирларни олиб бориш учун юқори имкониятларга эга.

**СТТ ни тарзиб қилиши.** УАШ СТТ ни ўқитиш имкониятига эга. Спорт залларида мактабларда, чойхоналарда маҳаллаларда, аҳоли орасида сухбат олиб борилади. Маҳалла фаоллари хурматли инсонлар билан иш олиб борилади, тарқатма материаллар тарқатилади, ҳамда СМИ га аҳоли орасида кўп учровчи муаммолар инфекцион ва ноинфекцион касалликлар (алкоголизм, чекиш, туберкулёз, вирусли гепатит, СПИД, гриппни) қайдлаб қўяди.

## **Овқатланиш гигиенаси.**

### **Тизимлаштирилган овқатланишнинг аҳамияти:**

Кунига 3 маҳал овқатланиш аммо ётиш олдидан ва овқатланишлар орасида эмас, оғизда узоқ вақт шошилмасдан чайнаш, кейинги овқат порциясига шошилмаслик, овқатдан олдин 1 стакан сув ичиш, фактат сок эмас, стресс ва зерикиш юриш билан шуғулланиш, овқат вақтини ўтказаб юбормаслик бу ҳолат кўп овқатланишга сабаб бўлиши мумкин овқатни

майда бўлакларга бўлиш лозим.

Меърида рационал овқатланиш болалик давридан кундалик ҳаётнинг таркибий қисмига кириши шарт. Кардиовасқуляр касалликларни келтириб хавфни оширувчи кўплаб факторлардан қутилиш мумкин ёки уларга соғлом овқатланиш ва физик юклама билан таъсир қилиб қутилиш мумкин.

Соғлом овқатланишнинг 10та қоидаси мавжуд:

- Соғлом овқатланиш асосан, рационал овқатланишга асосланган бўлади;
- Крахмалга бой бўлган овқат сарфловчи энергияни ярмидан кўп бўлиши керак;
- Мева ва сабзавотлар энергияни 7% дан кўп бўлиши керак, танлов турли –туман бўлиб, асосан маҳаллий маҳсулотлардан ташкил топган бўлиши керак;
- Гўшт учун талаб қилувчи энергияни 10% дан кам бўлиши керак;
- Истеъмол қилувчи сут ва сут маҳсулотлари ёғсиз бўлиши керак;
- Талаб қилувчи энергияни 15-30% ини ёғлар ташкил қилиши керак;
- Кундалик туз мқдори бгр. дан ошмаслиги керак;
- Тана вазни тавсия қилинган нормадан ошмаслиги керак;
- Хар куни физик юклама билан шуғулланиш лозим;
- Турли хилдаги маҳсулотларни енг, фақат бир хилдаги овқатни эмас.

Умуман олганда соғлом овқатланиш учун тавсиялар қўйидагилардан иборат:

- Нонни кўпроқ йирик донли, қора нон ёки юқори толали турларини кўпроқ енг;
- Кўпроқ мева ва сабзавотли маҳсулотларнинг турли кўринишдаги турларини енг;
- Бундан ташқари шу гуруҳдаги экзотик мевалар ва салат маҳсулотларини кўплаб истеъмол қилиш, улар барро ва кўпроқ фойдали, озиқлантирувчи хусусиятга эга;
- Камроқ миқдорда гўшт, балиқ ва ёғсиз гуруҳга кирувчи тухум, ёнғок, чечевица, нўхат маҳсулотларидан ҳар куни енг;

• Жуда кам миқдорда ёғли ва ширин маҳсулотларни истеъмол қилиш керак, таркибида ёғ ва шакарни кам миқдорда сақловчи маҳсулотларни истеъмол қилинг. Ёдда тутиングки, қайта ишланган маҳсулотлар таркибида кўпинча ёғ ва шакар яширин сақлаши мумкин ва қадоққа кўпинча ёзилмайди.

Кўпчилик кўп миқдорда овқатни еб ортиқча енергияни олади ва семиради. Баъзилао эса, кам миқдорда овқатни еб вазн йўқотади. Тўғри овқатланиш учун талаб жуда муҳим бўлиб, ҳар бир одам учун турли хил. Агар сизда ортиқча тана вазни бўлса, сиз учун зарур овқат порцияси кунлик овқатнинг минимал ҳажмига тенг бўлиши керак. Агар сизда вазн этишмовчилиги мавжуд бўлса, овқатланишни кўпайтириш лозим. Лекин барибир балансни сақланг.

<b>Маҳсулотлар</b>	<b>Минимум</b>	<b>Ўртacha</b>	<b>Максимум</b>
Нон, донва картошка	5	10	14
Мева ва сабзавотлар	5	5 ёки ортиқ	5 ёки ортиқ
Сут ва сут маҳсулотлари	2	2,5	3
Гўшт, балиқ ва аналогик маҳсулотлари	2	2,5	3
Сариёғ ва ёғлар	1	3	5
Бошқа маҳсулотлар	0	1	2

### Профилактик кўрик.

УАШ га аҳолининг 86%и мурожаат қиласиди, ҳар бир мурожат қилувчи йилига ўртacha 5 мартани ташкил этади. Профилактик кўрик учун тиббий ёрдамни кўрсатиш боскичи муҳим хисобланади.

Профилактик кўрик анамнез йиғиш, физикал кўрик, асосий лаборатор ва инструментал текширувлардан иборат.<sup>1</sup>

Бундай кўриклар кўплаб текширувлар учун жуда қулай.

Профилактик кўрикларни мақсади:

1. Кенг тарқалган касалликлар хавф гурухига киравчиларни аниқлаш, масалан атеросклероз хавф гурухи-семириши бор bemорлар, артериал гипертония, гиперлипопротеинемия.
2. Касалликни бошланғич давридаги ва клиник белгилар мавжуд бўлгунга қадар бўлган бўлган bemорларни масалан бактериурия ва ҳомиладорлар бактериурияси, бачадон бўйни раки, глаукомани эрта диагностикаси, тоз-сон бўғимини дисплазияси, криптархизмни эрта аниқлаш.
3. Тиббий ва ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ қайтмас заарланиш мавжуд bemорларни масалан кўришни ва эшлишишни пасайган, ақлий заифларни аниқлаш.

### **Скрининг – бу аҳоли ўртасида касалликни аниқлаш учун кенг текширувлар**

Эрта диагностика учун ўтказилади ва иккиламчи профилактикага киради.

Аниқ бир касалликка скрининг ўтказиш учун 10та саволга жавоб беришимиш керак:

- Касаллик соғлиқнинг муҳим муаммоси бўлиб ҳисобланадими?
- Қуйидаги касалликни даволашда қўлланиб бўладиган усули мавжудми?
- Даволаш ва ташхис учун шароит ва воситалар бўлиши лозим.
- Қуйидаги касалликни яширин тан олинган даври мавжудми?
- Текширувлар ва таҳлил учун тўғри келадиган усул?
- Аҳолини маълум қисми учун қуйидаги усул текшириш учун қулай ҳисобланадими?
- Ҳақиқий касаллик тарихини яхши билиш.
- Бемор деб ҳисоблаш учун келишилган сиёsat бўлиши лозим.
- Ҳолатларни аниқлаш учун шунингдек даволашни баҳоси умумий даводаражаси билан teng бўлиши лозим.
- Касаллик ҳолатини аниқлаш жараёнининг узлуксиз қисми бўлиши лозим.

## **Инфекцион ва ноинфекцион касалликлар профилактикаси.**

Профилактик тадбирларни режалаштириш асосида касалланиш ва ўлимнинг таркибини таҳлил қилиш ётади. Вақт ўтиши билан бу кўрсаткичлар ўзгаради. Авваллари ўлим ва касалликни асосий сабаби инфекцион касалликлар ҳисобланган туберкулез, сифилис, дифтерия, чинчечак, ҳозирги пайтда уларни ўрнига атеросклероз, хавфли ўсмалар ва ОИТС инфекцияси ҳисобланади.

Катталар касалликлари профилактикаси:

- Катталарга иммунизация календарини тузиш;
- Глюкометр ёрдамида қондаги қанд миқдорини ўлчаш;
- Пикфлуометрдан фойдаланиш;
- Беморларга соғлом турмуш тарзини олиб бориш тиббий маслаҳатини бериш;
- Нормативы Клиник-биохимик анализлар нормал кўрсаткичлари (холестерин, қондаги қанд миқдори, УВТ, УСТ ва б.);
- Чекувчи bemорларга тиббий маслаҳатини бериш;
- Алкогол қабул қилувчи bemорларга тиббий маслаҳатини бериш;
- Беморларга физик юклама ҳақида тиббий маслаҳатини бериш;
- Беморларга нормал овқатланиш ҳақида тиббий маслаҳатини бериш.

### **Иммунизация.**

Тиббий текширувлар ва соғлиқни сақлаш халқаро кенгашининг маслаҳатига биноан, барча болаларни дифтерия, қоқшол, кўк ўйтал, полимиелит, қизамиқ, эпид паротит ва қизилчага қарши эмланади.

Катталар ҳар 10 йилда дифтерия ва қоқшолга қарши эмланади. Барча туғиши ёшидаги аёлларда қизилча, вирусига антитела титри аниқланади.

АДС катталар учун (16, 26, 46 ёш) таркибида қоқшол анатоксини ва дифтерияни пасайтирилган дозадаги анатоксинини сақлайди.

Ножӯя таъсирни хавфини камайтириш мақсадида болага тезда 4 соатдан сўнг парацетамол бериш лозим.

**Гриппга** қарши эмлаш сурункали касалликлар учун асосан, юрак, ўпка, буйрак, модда алмашинувини оғир бузилишлари, иммунодепрессантлар қабул қилувчи ва 65 ёшдан катта bemорларга тавсия этилади.

**Гепатит В**га қарши эмлаш барча шахсларга қилиниб, асосан шу касаллик хавф гурухига киравчи тиббиёт ҳодимлари ва тиббиёт талабаларига, қамалганларга, қамоқхонада ишловчиларга ва бошқа шахсларга қилинади. Гепатит В bemорлар билан тез-тез алоқада бўлувчиларга.

**Haemophilus influenzae тип В** га қарши эмлаш барча болаларга қилиниб, асосан ёпиқ муассасалардаги болаларга эмлаш учун энг қулай ёш 2-18 ойлик.

**Қизамиқ, эпидпаротит ва қизилчага** қарши эмлаш барча болаларга тавсия этилади, асосан 1 ёшда, ревакцинация 10 ва 16 ёш оралиғида. Қизамиқ эпидемияси вақтида 5 ойликкача бўлган барча болаларга эмлаш ўтказилади. Бирламчи тизимдаги тиббиёт ҳодимларига, ота-оналарга ва барча аҳолига буни тушунтириш мухим ҳисобланади.

Қанчалик болага ўз вақтида эмлаш ўтказилса ва планли календар эмлашга қанчалик қатъий турилса, инфекцион касалликларга қарши ҳимоя қанчалик кучли бўлса, ва бола уларни қабул қилса, шунчалик касалликни тарқалишини олдини олган бўламиз.

Тарифи. Юрак ишемик касаллиги (ЮИК) - бу тож артериялар тизимидағи патологик жараёнлар натижасида миокардга қон келишининг камайиши ёки тўхташи сабабли юрак мушагининг ўткир ва сурункали заарланиши. Патологик жараён асосида миокарднинг қон билан тамилланишига та-лаби билан шикастланган артериялардан қоннинг мумкин бўлган миқдорининг оқиб келиши ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши ётади. Бу номутаносиблик миокардни маълум даражада қон билан таъминланишининг сақланиши, лекин миокард эҳтиёжини кескин ошиши ёки қон билан таъминланишининг пасайиши натижасида вужудга келиши мумкин.

Этиологияси ва патогенези. ЮИК ривожланишининг асосий сабаби юрак тож артерияларини стенозлайдиган атеросклеротик заарланишидир. Шу билан бирга тож артерияларда қон айланишнинг бузилиши патогенезида ангиоспастик омил ва қон томир ичида ўткинчи тромбоцитлар қоришимасининг ҳосил бўлиши муҳим роль ўйнайди<sup>1</sup>.

Тож артериялар атеросклерози. ЮИК га чалинган 95 фоиз беморларнинг тож артериясида, аксарият проксимал соҳасида, атеросклероз билан шикастланиш аниқланган.<sup>1</sup>

Атеросклероз пилакчаларининг шаклланиши кўп босқичли, бир неча йиллар давом этади.

Бошланишида артерия сатҳи деярли ўзгармайди. Томир деворларида липидларнинг йиғилиши натижасида эндотелий бутунлиги бузилади, яра ва пилак фиброз кобигининг ёрилиши, унинг эритроцитлар ва фибринлар билан инфильтрацияланиши вужудга келади. Бу ҳолат тромбоцитлар қоришималари ва микротромблар ҳосил бўлишига олиб келади.

Тож артерияларнинг органик стенози турли хил кўринишда томир девори юзасида зўрга аниқланадиган нарсадан томирнинг тўла окклюзиясигача (жислашишигача) ўзгариши мумкин. Кўпчилик bemорларда ЮИК нинг илк клиник белгилари атеросклероз пилакчалари тож артериясини фақат талайгина стенозлаганда (торайтирганда) маълум бўлади.

Тож артериялар спазми (сиқилиши). Ҳозирги даврда ЮИКда селектив коронаография ёрдамида тож артериялар спазмасининг патогенетик роли аниқланган. Спазм билан чақирилган стенокардия хуружи тинч ҳолатда миокарднинг кислородга талаби ошмасдан вужудга келади. Атеросклероз артериялар реактивлигини бузади. Тож арте-рияларнинг патологик ангиоспастик реакциялари асосида ташқи муҳит омиллари таъсирига сезувчанликнинг ошиши ётади. Кўпчилик bemорларда тож артериялар спазми қон томирларнинг органик ўзгаришлари муҳитида юзага келади. Бу ҳолатда тож артериялар тешигининг торайиши спазмнинг ифодаланишига боғлиқ. Агар спазм таъсирида торайиш 75 фоиздан ортса, bemорда зўриқиши

стенокардия белгилари пайдо бўлади. Агар спазм тож артериялар тешигини мутлақо бекитса, спазм муддатига нисбатан спонтан стенокардия хуружи, миокард инфаркти ёки тўсатдан ўлиш содир бўлади.

Ўткинчи тромбоцитлар қоришмаси. Тож артерияларнинг ангиоспастик реакциялари вужудга келишида арахидин кислотаси метаболитлари (простогландинлар ва тромбоксанлар) орасидаги муносабат муҳим ўрин эгаллайди. Кон томир интемасида ишлаб чиқариладиган простациклин явдол антиагрегацион (қорипшага қарши) фаолликка эга ва Е2 простогландин билан биргаликда тож артериялар дилатациясини (кенгайишини) чақиради. Тромбоцитлар ишлаб чиқариладиган тромбоксан кучли вазоқонстриктор ва тромбоцитлар қоришмаси стимулятори ҳисобланади. Нормада простоциклин ва тромбоксан орасида мувозанат мавжуд. Шикастланган эндотелий соҳасида мазкур мувозанат бузилганда тромбоцитлар қоришмаси ҳосил бўлишига кулай шароит вужудга келади. Жисмоний юкламага толеранти (сезувчанлиги) паст бўлган ЮИКда (бекарор стенокардияда, миокард инфарктида) қонда айланиб юрувчи тромбоцитлар қоришмасининг сони ортади. Патологик жараён зўрайишининг тезлиги ташқи ва ички муҳит омилларига (хавф туғдирувчи омилларга) боғлиқ гиперхолестеринемия, чекиш, артериал гипертония, гиподинамия кам ҳаракат ҳаёт тарзи, семизлик, қанд касаллиги, наслий мойиллик, қонда сийдик кислотасининг юқори миқдори ва ҳоказолар.

1. Тўсатдан тож томир ўлими (юракнинг бирламчи тўхташи) - миокарднинг қон билан таъминланишининг бекарорлиги сабабли вужудга келади ва қоринчалар фибрилляциясига (юрак қоринчалари мускул толаларининг алоҳида-алоҳида, ҳар хил вақтда ва тартибсиз қисқаришига) олиб келади. Агар реанимация воситалари ўтказилмаган бўлса ёки улар натижасиз бўлган бўлса, унда юракнинг бирламчи тўхташи тўсатдан тож томир ўлими сифатида таърифланади. Бу ўлим гувоҳлар иштирокида бир зумда ёки юрак хуружи бошланишидан 6 соат оралиғида содир бўлган ўлим деб ифодаланади.

## **1.2. Кардиологик касалликларда бирламчи профилактика.**

**Бирламчи профилактика:** Бирламчи – касални олдин олиш учун соғ одамларни вакти вакти билан диспансеризациядан ўтказиш, соғлом турмуш қоидаларига риоя қилиш, чекишни тухтатиш, дозаланган физик зурикиш бериш.

- Атеросклероз, гипертония касаллигларда семиришни олдини олиш;
- Табак чекишни ва спиртли ичимликлар ичишни чеклаш;
- Ош тузи ва холестеринга бой бўлган маҳсулотлар (ёғ, тухум, ёғли гўшт) истеъмолини чегаралаш;
- Маҳсус бадантарбия машқларини мунтазам равишда бажариш.<sup>1</sup>

## **1.3. Кардиологик касалликларда иккаламчи профилактика.**

**Иккаламчи профилактика:**

- Атеросклерозга қарши гиполипидемик дориларни қўллаш;
- Оғриқ синдромини, юрак уриши маромининг бузилишини ва юракетишмовчилигини изчиллик билан даволаш.

Иккаламчи - Артериал гипертония Гипертония касаллиги – бу шундай касаллик унинг асосан ва бирдан – бир белгиси булиб қон босимнинг юқоригакўтарилиши билан характерланади. Бу бирламчи булиб, иккаламчи яъни айрим касалликларда қон босими кўтарилиши билан кечадиган буйрак, эндокрин, қон айланиш доирасида, марказий асад системаси касалликлардан фарқ қиласди.

Хозирги вактда гипертония касаллигини урганиш жуда катта ахамиятга эга, чунки у ахолининг 8-10% шикастлайди ва ўлимга олиб келадиган касалликлар ичida биринчи ўринларда туради.

Касалликни биринчилардан Ланг Г.Ф., Мясников А.А. жуда мукаммал урганишда, унинг клиник белгилари таснифини ёритишиди.

Гипертония касаллигини урганишда аввало уни мўътадил бўлиб туришида кайси аъзо иштирок этишини билиш керак.

Артериал қон босимини хосил қилишда биринчидан юракни иши, унинг зарби, иккинчидан қон томирларининг (артериола) таранглиши (тонуси) ва учинчидан нейро-гумораль органларнинг иши ахамиятга эга. Бу звеноларнинг ишини барохимия рецепторлари (аорта ёки синокартид соҳаси мувофиқлаштириб туради.

Булардан ташқари қон босимининг буйрак ва буйрак усти безларида ишлаб чиқариладиган ренин (депрессор) ва простогландинилар Е, А (буйрак усти) ва кинин-калеkrein тизимининг ахамияти катта.

Гипертония касаллигини келтириб чиқаришда насл, ёщ, климакс, ош тузини қуп истеъмол қилиш, касб, яшаш жойи ва жуда кўп бошқа омиллар роль ўйнайди.

**Профилактика:** ГАбилан касалланган беморларни уз вақтида, режали куриқдан утказиш. Қон босимни мониторинг қилиш ва даволашни динамикада кузатиш.

### **Назорат саволлари:**

- 1.Юрак ишемик касалликнинг (ЮИК) долзарб муамоллари, тарқалиши?
- 2.ЮИКни таърифлаб беринг?
3. Миокард инфарктнинг этиология ва патогенези?
4. Миокард инфарктни даволашда юкори технологияларни куллаш?
5. Миокард инфарктни даволашда замонавий хирургик усулларни ишлатиш?
- 6.Миокард инфарктнинг эрта асоратларини гапириб беринг?
- 7.Миокард инфарктнинг кечки асоратларини гапириб беринг?
- 8.Кардиоген шокнинг замонавий профилактика усуллари?
- 9.Уткир юрак етишмовчилигини замонавий профилактика усуллари?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Judth Tintinalli, J. Stapczynski, O. John Ma, David Cline, Rita Cydulka, Garth Meckler. – Tintinalli's Emergency Medicine; A Comprehensive Study Guide, (Emergency Medicine Tintinalli) - USA, 2015 McGraw – Hill Education, English.
2. Dennis Kasper, Anthony Fauci, Stephen Hauser, Dan Longo, J Jameson, Joseph Loscalzo. - Harrison's Principles of Internal Medicine 19/E (Vol. 1 Vol2) - USA 2015 English, .P.-1583-1595
3. GadayevA., KarimovM. Sh., AxmedovX.S. Ichki kasalliliklar propedevtikasi.- Toshkent, 2012, 708 b.
4. Каримов М.Ш. и др. Пропедевтика внутренних болезней методические рекомендации. Ташкент 2011. Часть 1-3.

### **Ревматик касалликларда профилактиканинг ўрни.**

#### **Режа:**

1. Ревматик касалликларнинг долзарб муъаммолари, тарқалиши.
2. Ревматик касалликларда бирламчи профилактика.
3. Ревматик касалликларда иккаламчи ва учламчи профилактика.

### **Таянч иборалар:**

*ААГ-Антиагрегантлар, АЎФИ- Ангиотензин1 нинг ангиотензин 2 га ўтишини ўзгартирувчи ингибиторлар, АДГ- антидиуретик гормон, АКТГ-адренокортикотроп гормон, АСЛ- О - антистрептолизин О, АСГ- антистрептогиалуронидаза, ЦИК - циркуляр иммун бирикма*

### **Ревматик касалликларнинг долзарб муъаммолари, тарқалиши**

**ТАРИФИ.** Ревматизм (РИ) - умумий инфекцион-аллергик касаллик бўлиб, бириктирувчи тўқиманинг системли яллиғланиши билан ифодаланади, аксарият, юрак ва қон-томирларни шикастлайди.

**ТАРҚАЛИШИ.** Ревматизм билан ер курраси ахолисининг 2-4% хасталанган, иқтисоди тубан давлатларда кенг тарқалган. Ревматизмнинг бирламчи хуружи болалик ва ўсмирилик даврларда (7-15 ёшда) содир бўлади, қарияларда жуда кам учрайди. Аёллар эркакларга нисбатан 2,5-3 марта кўп касалланади. Охирги йилларда ревматизм билан хасталаниш ва унинг рецидив сони камайган, бунинг сабаби bemorlarни самарали диспансеризация муъолажаларини қўллашдир.

### **ЭТИОЛОГИЯСИ.**

Инфекция - касаллик ривожланиши ўткир ёки сурункали бурун-томуқ инфекцияси билан боғлиқдир. Қўзгатувчи омил бета-гемолитик стрептококк (А серологик гурухи).

Ирсий мойиллик бўлган кишиларда стрептококк инфекцияси аутоиммун жараёнини вужудга келтиради. Ревматизм ривожланишининг стрептококк инфекцияси билан боғлиқлигини тасдиқловчи далиллар:

Ревматизм олдидан бурун-томуқ стрептококк инфекциясининг (ангина, фарингит, скарлатина) ўтказилиши.

Юқори нафас йўлларининг ўткир касалликлари кенг тарқалган вақтда ревматизм билан хасталанишнинг кўпайиши.

Ревматизм билан оғриган bemorlarда стрептококка қарши антитаналар (АСЛ-О, АСГ, АСК) титрининг ортиши.

Стрептококк инфекцияси ўчоини фаол даволаш ва стрептококка қарши профилактика чораларини қўллаш ревматизм билан хасталанишни ва унинг қайталанишини камайишига олиб келади<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup>Robert E. David P – Textbook of family medicine – USA, 2016.- P.231-235

Ревматизмнинг стрептококк инфекцияси билан чақирилиши хасталикнинг классик турига (ўткир давом этувчи, жараёнда бўғинлар шикастланиши) хос. Касалликнинг чўзилувчан, яширин, ёки узлуксиз қайталанувчи турларида жараённинг стрептококк инфекцияси билан боғлиқлиги аниқланмаган.

Стрептококк антитана титрининг кўтарилиши йуқ.

Ревматизм қайталанишида бициллин профилактикаси натижасиз.

Бу ҳолатда ревматизм аллергик (стрептококк инфекциясига боғлик; бўймаган), инфекцион-токсик ёки вирусли табиатда бўлади.

### **ПАТОГЕНЕЗИ.**

**Аллергия назарияси** - иммун бузулиши. Сенсибилизацияловчи агентлар (стрептококк ва унинг токсинлари, вируслар) организмнинг хусусий оқсиллари парчаланишини чақиради ва улар ўз навбатда антигенга (автоантигенга) айланади. Организмни антигенга нисбатан сенсибилизациясини ошиши аллергик ҳолатни ривожлантиради. Антигенни организмга тарқалиши аутоантитана аутоаггресорлар ҳосил бўлишини кучайтиради ва улар ўзаро реакцияга киришиб иммун биримани (комплексни) шакллантиради. ЦИК - иммун бирима қонбилан айланиб, биритиувчи тукимага (эндокард, миокард, бўғинларга) чўкади, жойлашади ва уларда гиперергик яллиғланиш ҳолатини вужудга келтиради. Бу ҳолат ревматизм деб номланади.

**Токсик-аллергик назарияси** - стрептококк кўп микдорда кардиотоксик хусусиятли модда ишлаб чиқаради.

**Вирус қонцепцияси** - вирусли ва стрептококкли кардитларнинг кўпчилик клиник ва морфологик кўринишларининг бир-бирига ўхшашлигига асосланган.

**Гормонлар ўзгариши** - мия ортиғи (гипофиз) ва буйрак усти бези фаолиятининг бузилиши ахамиятли - хасталик зўриқсан даврда қонда гормонлар миқдори камаяди, бунда гормонлар билан даволаш яхши самара беради.

**ПАТОЛОГИК АНАТОМИЯСИ.** Ревматизм ривожланиши 4  
босқичдан иборат.

- мукоидли бўкиш
- фибринойдли ўзгариш - коллаген некрози ривожланади
- гранулематоз - Ашоф-Талалаев гранулемаси хосил бўлади
- склероз - гранулемалар турғун склеротик ўзгаришгаайланади.

**Ревматик касалликларда бирламчи профилактика**

**Профилактикаси** бирламчи ва иккламчи турларига бўлинади.

**Бирламчи профилактика** аҳолининг яшаш шароитини яхшилашга, соғлиқни сақлаш маданиятини кучайтиришга қаратилган умумий давлат иши ҳисобланади. Унинг мақсади-соғлом инсонларни ревматизмга дучор қилмаслик.

**Стрептококк инфекцияси билан қурашиш.**

- инфекция ташувчиларни (олиб юрувчиларни) аниқлаш (томуқ, бурун инфекциясида албатта бактериологик текшириш ўтказилиши шарт).
- стрептококкли томоқ-бурун инфекциясини антибиотиклар билан даволаш лозим.
- сурункали стрептококк инфекцияси ўчоғини тозалаш (соғломлаштириш) керак.

**Аҳоли** орасида иш олиб бориш, бунинг мақсади ангинава фарингитга чалинган беморларга албатта врачга мурожат қилишликни тушунтириш.

**Ўсмир ёшда** касалликнинг қўпайиши, беморлар оиласи аъзоларида ревматизм ривожланишига катта хавф туғилиши ва стрептококк инфекцияси қўзишини ҳисобга олиб, болалар ва ўсмирлар коллективида ва ревматизмли bemorlar бўлган аҳоли орасида юқорида айтилган профилактика чораларини ўтказиш ижобий натижа беради.

## **Ревматик касалликларда иккаламчи профилактика.**

**Иккиламчи профилактика** ревматизм ўтказган bemорларда жараён қайталаниши (рецидив) олдини олиш мақсадида ўтказилади. Бунда антибиотиклар асосий ўринни эгаллайди. Йил мобайнида бициллин профилактикаси ижобий натижа беради. (бициллин-5 1,5 млн бирликда мушак орасига 3-4 хафтада 1 марта юборилади). Иккиламчи профилактика муолажасини ревматизмнинг охирги ишончли ҳуружидан кейин камида 5 йил давомида ўтказилади. Ҳар хил жарроҳлик муъолажалари (тиш суғуриш, аборт, танзиллоэктомия) қўлланилиши олдидан антибиотикни қабул қилишликни bemорларга тавсия қилинади.

### **Назорат саволлари:**

1. Ревматик касалликларни профилактикаси?
2. Ревматик касалликларни бирламчи профилактикаси?
3. Ревматик касалликларни иккиламчи ва учламчи профилактикаси?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Judith Tintinalli, J. Stapczynski, O. John Ma, David Cline, Rita Cydulka, Garth Meckler. – Tintinalli's Emergency Medicine; A Comprehensive Study Guide, (Emergency Medicine Tintinalli) - USA, 2015 McGraw – Hill Education, English.
2. Dennis Kasper, Anthony Fauci, Stephen Hauser, Dan Longo, J Jameson, Joseph Loscalzo. –
3. Harrison's Principles of Internal Medicine 19/E (Vol. 1 Vol2) - USA 2015 English.
4. Robert E. David P – Textbook of family medicine – USA, 2016
5. GadayevA., KarimovM. Sh., AxmedovX.S. Ichki kasalliklar propedevtikasi.- Toshkent, 2012, 708 b. Каримов М.Ш. и др. Пропедевтика внутренних болезней методические рекомендации. Ташкент 2011. Часть 1-3.

#### **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

##### **Тиббиётда профилактиканинг ўрни. Кардиологик касалликларда профилактикаси.**

**Ишдан мақсад:** Кардиологик касалликларда профилактиканинг ўрни мазмуннинг мохияти, таърифи, тарқалиши, ички касалликлар патологиясидаги ўрни ва ахамияти.

Ушбу амалий иш давомида қуидагиларни **бажариш лозим**:

1. Касалликлар бўйича санитар бюллетень тузиш;
2. Касалликлар бўйича пархез тавсиялар таёrlаш;
3. Беморлар билан соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва сухбатлар ўтказиш.

**Масаланинг қўйилиши:** тингловчиларга кардиологик касалликларда профилактиканинг ўрни тўғрисида маълумотлар берилади.

##### **Ишни бажариш учун намуна:**

Аналитик қисмида тингловчилар вазиятли масалалар, тестлар ечадилар, ЭКГ ларни тахлил қиласидилар.

Кейс: “Кардиологик касалликларнинг профилактикаси  
Хулоса қилиш.

##### **Назорат саволлари:**

1. УАШ ишидаги профилактиканинг турлари?
2. СТТ тамойиллари аҳоли ва bemорларни уни олиб боришга ўргатиш?
3. Маҳаллада қандай сухбат олиб бориш ва маъруза мавзусини тузиш?
4. ОАВ дан қандай фойдаланиш маъруза, брошюралар ва плакатларни қандай тузиш?
5. Иммунизация, скрининг усувларини олиб бориш?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Judth Tintinalli, J. Staczynski, O. John Ma, David Cline, Rita Cydulka, Garth Meckler. – Tintinalli's Emergency Medicine; A Comprehensive Study Guide, (Emergency Medicine Tintinalli) - USA, 2015 McGraw – Hill Education, English.
2. Dennis Kasper, Anthony Fauci, Stephen Hauser, Dan Longo, J Jameson, Joseph Loscalzo. –
3. Harrison's Principles of Internal Medicine 19/E (Vol. 1 Vol2) - USA 2015 English.
4. Robert E. David P – Textbook of family medicine – USA, 2016
5. John Murtagh - General Practice 6<sup>th</sup> Revised edition - Australia 2015 English.
6. GadayevA., KarimovM. Sh., AxmedovX.S. Ichki kasalliklar propedevtikasi.- Toshkent, 2012, 708 b.
7. 6.Каримов М.И. и др. Пропедевтика внутренних болезней методические рекомендации. Ташкент 2011. Часть 1-3.

## **Кардиологик касалликларда профилактиканинг ўрнитопшириқлар ва уларни ўтказиши бўйича тавсиялар:**

### **Вазиятли масалалар:**


1. Бемор А. 55 ешда Касалхонага куйдаги шикоятлар билан келган: зинадан 2 чи каватга кутарилганда тош оркасида санчувчи огрик пайдо булган. Огрик чап елка ва буйин соҳасига таркалган. Бемор нитроглицерин кабул килганда огрик йуколган. ЭКГ килганда ST сегменти пасайланлиги аникланган.

I. Сизнинг ташхисингиз:

II. Даволаш тактикангиз

III. Профилактика: бирламчи ва иккаламчи.

2. Бемор Б. 7 йилдан бери юрак ишемик касаллиги билан хасталаниб юрган. Бемор нитроглицерин кабул қилишга карамай унинг жисмоний харакати кескин чегараланган, юрагидаги кучли огрик тухтамаган. Врач bemornинг уйига келганда унда хаво етишмаслиги кучайган, совук тер босган. Артериал босими 80/50 гача пасайган. ЭКГ олинди.




Саволлар:

1. ЭКГ ни баҳолан
2. Сизнинг ташхисингиз
3. Даволаш тактикаси
4. Профилактика чоралари

3. Бемор С. 53 ешда касалхонага шошилинч равища олиб келинди.

Беморни күйдаги шикоятлар безовта килган: эпигастрал, унг ковурга, баъзида кориннинг унг ярмида кучли оғриққа, оғриқ куракка берилиб, кўнгил айниш, қусиш, хаволи кекириш, қоринни дам бўлиши.

Объектив кўрганда: ахволи оғир, тери қопламалари оқ рангда. АВ 110/50 мм. Рт ст. Пульс -86та. Ўпкада везикуляр нафас. ЭКГ қилинди.



### **Саволлар:**

1. ЭКГни тахлил килинг
2. Сизнинг ташхисингиз
3. Даволаш тактикаси
3. Профилактика чоралари

**мавзу:Ревматик касалликларда профилактиканинг ўрни.**

**Ишдан мақсад:** ревматик касалликларнинг долзарб муъамоллари, мазмуннинг мохияти, тарқалиши, ички касалликлар патологиясида профилактикани ўрни ва ахамияти.

**Масаланинг қўйилиши:** ревматик касалликларда профилактиканинг ўрни билан таништирилади ва уш бу масала тўғрисида маълумотлар берилади.

### **Ишни бажариш учун намуна:**

Аналитик қисмида тингловчилар вазиятли масалалар, тестлар ечадилар, ЭКГ ларни тахлил қиласидилар.

Кейс: Ревматик касалликларнинг профилактикаси. Хулоса қилиш.

### **Назорат саволлари:**

- 1.Буйрак касалликларда учрайдиган артериал гипертонияларнинг диагностик мезонларини биласизми?
- 2.Аорта коарктациясининг диагностик мезонларини биласизми?
- 3.Гипертония касаллигиниг асоратларини биласизми?
- 4.Гипертоник кризнинг кечиш турларини ва даволашини биласизми? даволаш усууллари.
5. Ревматизм касалликни олдин олиш чораларни биласизми?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Judth Tintinalli, J. Staczynski, O. John Ma, David Cline, Rita Cydulka, Garth Meckler. – Tintinalli’s Emergency Medicine; A Comprehensive Study Guide, (Emergency Medicine Tintinalli) - USA, 2015 McGraw – Hill Education, English.
- 2.Dennis Kasper, Anthony Fauci, Stephen Hauser, Dan Longo, J Jameson, Joseph Loscalzo. –

3.Harrison's Principles of Internal Medicine 19/E (Vol. 1 Vol2) - USA 2015 English.

4.Robert E. David P – Textbook of family medicine – USA, 2016

5.John Murtagh - General Practice 6<sup>th</sup> Revised edition - Australia 2015 English.

6.GadayevA., KarimovM. Sh., AxmedovX.S. Ichki kasalliklar propedevtikasi.- Toshkent, 2012, 708 b.

7.Каримов М.Ш. и др. Пропедевтика внутренних болезней методические рекомендации. Ташкент 2011. Часть 1-3.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### I – чи КЕЙС:

#### “ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛИКЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИ”

##### Кириш

Профилактика бу инсонларни ўзининг соғлиғига масъулиятли муносабатига, касалликларни бартараф қилишга, соғлиқни мустаҳкамлашга ва қўллаб қувватлашга соғлом турмуш тарзига риоя қилишга қаратилган чора тадбирлар йиғиндисига айтилади.

Профилактика турлари.

Бирламчи профилактика - бу соғлиқни максимал сақлашга қаратилган чора тадбирлар йиғиндиси бўлиб, турли хил касалликларни соғлом аҳоли орасида хавф омилларини (уларга: бошқарилмайдиган ёш, жинс, наслий мойиллик ва бошқариладиган чекищ, носвой, алкоголь, кам ҳаракат ҳаёт тарзи, семизлик, нотўғри овқатланиш ва бошқалар) аниқлаш ва бошқариб бўладиганларини бартараф этиш. Буларга қўйидаги маслаҳатлар киради: соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, заарли одатлар билан курашиш, физик машқлар билан доимий шуғулланиш киради.

Бирламчи профилактиканга шунингдек санитар профилактик чора тадбирлар ҳам киради: ҳожатхона, сувни тозалаш, пашшалар билан курашиш, қўл ювиш, санитар оқартув ишлари(буклетлар, лекциялар).

Иккиламчи профилактика - бу эрта диагностика ва замонавий даволаш. Бунга скрининг профилактик текширувлар киради. Биз биламизки, ўсма касалликлари асосан қари одамларда учрайди, масалан кўкрак бези саратони. Кўкрак безидаги ўзгаришларни эрта аниқлаш учун оиласвий врачлар кўкрак безини 25 ёшдан барча аёллар ўз кўкрак безларини мустақил пайпаслаб туришлари ва хавф омиллари бор аёлларда 40 ёшдан бошлаб 2 йилда 1 марта маммография ўтказишни маслаҳат берадилар.

Учламчи профилактика - бу касалликни ўз вақтида даволаш, асоратларини олдини олиш. Масалан: биз барча АГ, КД бор беморларга

инсульт ва БМҮИ ни олдини олишга аспирин буюрамиз.

Беморларга турмуш тарзини нисбатан ўзгаришишга маслаҳат бериш УАШ вазифасига киради.

**Мақсад:** талабаларларда соғлиқни сақлаш бирламчи поғонасида юракнинг ишемик касалликларини олдини олиш чора тадбирларини аниқлаш, зарур бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича билим ва кўникмаларни шаклантириш.

### **Эришиладиган натижалар:**

- Юрак ишемик касалликлари бўйича профилактика турини аниқлаш;
- Профилактика тури бўйича ўтказилиши лозим бўлган чора-тадбирлар кўламини аниқлаш;
- Аниқ бир ҳолат бўйича профилактика чора-тадбирларини ўтказиш кўникмасига эга бўлиш;

### **Ҳолат:**

УАШ қабулига 55 ёшли эркак мурожат қилиб келди. Асосий шикоятлари: тўш ортида симиловчи оғриқлар, оғриқларнинг 2-3 дақиқа давом этиши, оғриқларнинг чап қўлга узатилиши, айrim ҳолларда яъни 4-қаватга кўтарилигандаги ҳансираш, умумий ҳолсизлик.

Сўраб-суриштирилгандаги: bemor ўзида бу ўзаришларни 5-6 ойдан бери кузатади. Оғриқлар асосан кечга томон безовта қиласади. Ўз ҳолатини иш фаолиятидаги асабийлашиш билан боғлайди. Аввал шифокорга мурожат қилмаган. Мустақил равишда валидол ва валерианка дори воситаларини қабул қиласади. Лекин самараси сезилмаган.

Бошидан ўтказган касалликлари: ангинада, гепатит А, ўнг қўл жароҳатланиши.

Зарарли одатлари: кунига 10-12 дона тамаки чекади. Кун ора 100-200 мл алкоголь истеъмол қиласади.

Наслий касалликлар: отаси гипертония касаллиги билан хасталанган.

Аллергик анамнез: дуккакли маҳсулотларга нисбатан терида қичиш ҳолатлари кузатилган.

Оилавий анамнез: оиласи, икки фарзанди бор.

Мәхнат фаолияти: хусусий фирмада бош ҳисобчи бўлиб 10 йилдан бери ишлайди.

Ижтимоий ҳолати: яшаш шароити яхши, барча шарт-шароитлар мавжуд.

Юқумли касалликлар билан касалланганлар билан контактда бўлмаган.

Сўнгги олти ой ичидаги қон препаратлари, инъекцион муолажалар олмаган, стоматолог кўригига бўлмаган.

Кўздан кечиришда: беморнинг умумий аҳволи қониқарли. Тери ва кўринадиган шиллик қаватлари одатдаги рангда. Тана тузилиши – ортиқча тана вазни қузатилади.

Пульс – бир дақиқада 88 марта, регуляр, АҚБ-110/70 мм.сим.уст.тенг.

Юрак соҳаси пайпасланганда оғриқсиз, перкуссия қилинганда – юрак чегаралари ўзгармаган. Юрак аускультациясида – юрак тонлари бўғиқлашган.

Кўкрак қафаси пайпасланганда – оғриқсиз. Перкуратор патологик ўзгаришлар кузатилмайди. Аускультацияда – везикуляр нафас.

Қорин соҳаси кўздан кечирилганда – ўзгаришсиз. Пайпасланганда – оғриқсиз. Бел соҳасида патологик ўзгаришлар кузатилмайди. Туртки симптоми-манфий.

Пешоб ва нажас келиши меъёрида. Асад-рухий ҳолати: енгил кўзғалувчанлик аниқланади.

### **Саволлар ва вазифалар:**

1. Ушбу ҳолатда қандай тахминий ташхис қўйиш мумкин?
2. Текширув режасини тузинг.
3. Қиёсий ташхис ўтказинг.
4. Ушбу ҳолатда УАШ томонидан қандай профилактика тури ўтказилиши лозим.

## **II. ТИНГЛОВЧИЛАР УЧУН УСЛУБИЙ КҮРСАТМАЛАР**

**2.1 Муаммо:** ҚВП/ОП шароитида юрак ишемик касаллиги билан касалланганлар орасыда профилактика чора-тадбирларини аниклаш.

### **2.2 Муоммо ости вазифалар:**

1. Анамнезни тахлил қилиш;
2. объектив күрикни тахлил қилиш;
3. тахминий ташхис қўйиш;
4. зарур бўлган текширув усулларини танлаш;
5. олинган натижаларга қўра қиёсий ташхис ўтказиш;
6. профилактика турини аниклаш;
7. профилактика бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш;
8. УАШ кейинги тактикасини танлаш.

### **2.3. Ҳал қилиш алгоритми:**

1. анамнезни тахлил қилиш:
  - шикоятлари
  - заарарли одатлари
  - иш фаолияти
2. объектив күрикни тахлил қилиш:
  - пульс ва АҚБ кузатиш
  - юрак аускультацияси
  - асаб-руҳий сфераси
3. тахминий ташхис қўйиш:
  - ЮИК: стабил зўриқиши стенокардияси
4. текширув режасини тузиш
  - умумий қон тахлили
  - умумий сийдик тахлили
  - қонда қанд миқдорини аниклаш
  - ЭКГ
  - холестерин миқдори

- липид спектри

- коагулограмма

- ЭкоКГ

5. олинган натижаларга кўра қиёсий ташхис ўтказиш:

- ностабил стенокардия

- миокард инфаркти

- умуртка погонаси остеохондрози

- ураб олувчи темиратки

- нейроциркулятор дистония

- миалгия

- невралгия

- диафрагма қизилўнгач тешиги чурраси

6. профилактика турини аниқлаш:

- иккиласмчи профилактика

7. профилактика бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш:

- хавф омилларини аниқлаш ва бартараф қилиш

- касалликни эрта аниқлаш

- номедикаментоз ва медикаментоз даволаш усусларини тавсия қилиш

- даволаш натижаларини назорат қилиш

8. УАШ кейинги тактикасини аниқлаш:

- якуний ташхис қўйиш

- ҚВП/ОП шароитида даволаш ва кузатиш

- диспансер назоратига олиш

**Амалий ҳолатни таҳлил қилиш ва ҳал қилиш бўйича  
мустақил ишлаш учун кўрсатмалар**

**Ҳолатни таҳлил қилиш варағи**

Фаолият босқичлари	Тавсиялар ва маслаҳатлар
Кейс билан танишиш	Аввал кейс билан танишинг, ўқиш давомида ҳолатни дарҳол таҳлил қилишга шошманг
Берилган ҳолат билан танишиш	Маълумотларни диққат билан ўқинг, сизнинг фикрингиза муҳим бўлган абзацларни белгилаб ажратинг. Ҳолатни тавсифлашга харакат қилинг. Нима биринчи ўринда нима иккиласми эканлигини аниқланг.
Асосий муоммони ва муоммо ости вазифаларни аниқлаш, шакллантириш, асослаш	Муоммо: ҚВП/ОП шароитида юрак ишемик касаллиги билан касалланганлар орасида профилактика чоратадбирларини аниқлаш.
Ҳолат таҳлили	Қуйидаги саволларга жавоб беринг: Юрак ишемик касалликларига хос бўлган белгилар қандай? Қайси касалликлар билан қиёсий ташхис ўтказиш лозим? Қайси текширув усулларини тавсия қилиш зарур? Профилактика тури ва амалга ошириш лозим бўлган чоратадбирлар нималардан иборат? УАШ кейинги тактикасига нималар киради?
Муоммони ҳал қилиш усул ва воситаларини танлаш ва	Ушбу ҳолатда ҳал қилиниши лозим бўлган муоммо бўйича барча усулларни санаб ўтинг.

асослаш	
Муоммоли ҳолатни ишлаб чиқиш ва ҳал қилиш	Ташхис қўйинг ва ҚВП/ОП шароитида муоммони ҳал қилинг.

### **Кейс билан мустақил ишлаш бўйича баҳолаш жадвали**

Қатнашувчилар			Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари		
№	Қўйидаги ҳолат таҳлили	Муоммони асослаш	Муоммони ҳал қилиш бўйича усул ва воситаларни танлаш	Муоммони ҳал қилишни амалга ошириш бўйича аниқ ишлаб чиқариш	Умумий балл
1.		0.5	0.5	0.5	2.5
2.					
3.					

Изоҳ:

2.0-2.5 балл – аъло

1.5-2.0 балл – яхши

1.0-1.5 балл- қониқарли

0-1.0 балл- қониқарсиз

**2-чи кейс:**

**Симтоматик артериал гипертензия синдромига доир вазиятли масалаларнинг қадамма-қадам ечими тахлили.**

**Сурункали пиелонефрит-САГ.**

**Кейсни ўқутувчи–кейсолог томонидан ечим намунасии – КВП шароитида**

**УАШ қабулида.**

ҚВП га 29 ёшдаги аёл қориннинг ўнг ёнбош қисмida ва ўнг бел соҳасида кескин оғриқ ва оғриқ билан кечадиган пешоб ажралишига шикоят қилиб келди. Оғриқ сон ва ташқи жинсий аъзоларига тарқалади.

**Анамнезидан:** юқоридаги хуружсимон оғриқлар илгари хам кузатилган. Болалик пайтита вирусли гепатит “А” касаллиги билан инфекцион касалхонасида даволаниб “Д” назоратида турган. Оиласи, 2 та фарзанди бор, ўй бекаси. Хомиладорлик АҚБ кўтарилиши билан кечган.

**Объектив кўрганда:** умумий ахволи ўрта оғирликда, тери қопламлари рангпар, периферик лимфа тугунлари катталашмаган. Юрак тонлари бўғиқлашган, ритмик, аорта устида П тон акценти. АҚБ 160/100 мм сим.уст., пульс 1 дақиқада 90 та. Қорни юмшоқ, ўнг ёнбош қисмida оғриқлар кузатилмоқда. Ўнг томонлама туртки симптоми кескин мусбат.

**УКТ:** Нв-100, эр-3,5, лейк.-7,2, ЭЧТ-15 мм/ч

<b>1</b>	<b>Беморни ШАМ билимлари демонстрацияси билан кутиб олди</b>	АҚБни шифокоргача булган кабул кабинетида текширгандан сўнг артериал босимни коррекцияси учун зарур чора-тадбирларни ўtkазиш. Паспорт маълумотларини йигиш. Беморга исмини айтиб мурожат қилиш. Бемор учун тушинарли бўлган сўзлар билан гаплашиш.
<b>2</b>	<b>Асосий ва қушимча шикоятларни аниклаш</b>	<b>Асосий шикоятлари:</b> қориннинг ўнг ёнбош қисмида ва ўнг бел соҳасида кескин оғриқ ва оғриқ билан кечадиган пешоб ажралишига шикоят қилди. Оғриқ сон ва ташқи жинсий аъзоларига тарқалади. <b>Кўшимча шикоятлари:</b> Умумий холсизлик
<b>3</b>	<b>Anamnesis morbi</b>	Юқоридаги хуружсимон оғриқлар илгари хам кузатилган.
<b>4</b>	<b>Anamnesis vitae</b>	Болалик пайтита вирусли гепатит “А” касаллиги билан инфекцион касалхонасида даволаниб “Д” назоратида турган. Оиласвий, 2 та фарзанди бор, ўй бекаси. Хомиладорлик АҚБ кўтарилиши билан кечган.
<b>5</b>	<b>Хавф омилларини аниклаш</b>	<b>Бошқариб бўлмайдиган:</b> Жинси, ёши. <b>Бошқариладиган:</b> Хомиладорлик
<b>6</b>	<b>Бемор муаммоси</b>	<b>Асосий:</b> қориннинг ўнг ёнбош қисмида ва ўнг бел соҳасидаги оғриқ ва оғриқли пешоб ажралиши. <b>Кўшимча:</b> Умумий холсизлик
<b>7</b>	<b>Обектив кўрик ўтказиш</b>	Умумий ахволи ўрта оғирликда, тери қопламлари рангпар, периферик лимфа тугунлари катталашмаган. Юрак тонлари бўғиқлашган, ритмик, аорта устида П тон акценти. АҚБ 160/100 мм сим.уст., пульс 1 дақиқада 90 та. Қорни юмшоқ, ўнг ёнбош қисмида оғриқлар кузатилмоқда. Ўнг томонлама туртки симптоми кескин мусбат.
<b>8</b>	<b>Дастлабки ташхис ва категория хизмати</b>	<b>Асосий:</b> Сурункали ўнг томонлама пиелонефрит, актив яллиғланиш даври.САГ II даража. <b>Ёндош:</b> Цистит. <b>Категория 1</b>
<b>9</b>	<b>Текширув режасини тузиш</b>	<b>3.1.:</b> УҚТ, УСТ, ЭКГ, офтальмоскопия. <b>3.2.:</b> КБТ (мочевина, креатинин, умумий оқсил, қонда қанд микдори), Нечипоренко синамаси, Зимницкий синамаси, Реберг синамаси, сийдик бактериологик экмаси, УЗИ (буйраклар, кичик чаноқ бўшлифи аъзолари), коагулограмма, обзор урография, зарур бўлганда ретрография, уретропиелография.
<b>10</b>	<b>Мустакил бажариладиган амалий қўнимка</b>	ЭКГ, офтальмоскопия.
<b>11</b>	<b>Лабаратор-истурментал текширув натижалари</b>	<b>УҚТ:</b> Нв-100, эр-3,5, лейк.-7,2, ЭЧТ-15 мм/ч, <b>ҚБТ:</b> мочевина-7,3, креатинин- 0.08, ум. оқсил-74г/л, қанд-5.4 ммоль/л, <b>УСТ:</b> шаффоф, зичлиги- 1018, оқсил излари, эпит.-3-

	<b>тәхлили</b>	4/1 , лейк.-4-5/1, эр-0-1/1, шиллик++, бактерия+. <b>Нечипоренко синамаси:</b> лейк.-5000, эр.-1000, цил.-10. <b>Буйраклар УТТ:</b> Ўнг буйрақда косача жом системаси кенгайган,эхогенлиги ошган, ўнг буюракда тошd=4,0мм <b>Сийдик бактериологик экмаси:</b> E.Coli.
12	<b>Дифференциал диагностика</b>	Гломерулонефрит, интерстициальный нефрит, буйрак амилоидози, диабетик нефропатия.
13	<b>Якуний ташхис кўйиш ва категория хизматини кўрсатиш</b>	<b>Асосий:</b> БТК. Ўнг буйрак тош касаллиги. Сурункали ўнг томонлама пиелонефрит, актив яллиғланиш даври,САГ II даражада. <b>Категория II</b>
14	<b>Беморни профилактиканинг кайси турига муҳтоҷлигини аниклаш</b>	<b>Иккиласми Б профилактика-</b> таъсири исботланган дорилар билан касалликни даволаш. <b>Учламчи А профилактика-</b> Асоратларни олдини олиш, реабилитация ва диспансеризация
15	<b>Номедикментоз даволаш</b>	Соқлом турмуш тарзи, диета № 7, рационал овқатланиш, физиотерапевтик муолажалар, ЛФК, меҳнат ва дам олиш режасига риоя қилиш, инфекция ўчоқлар санацияси, санатор-курорт даволаш, Фитотерапия (буйрак чайлари, пол-пола).
16	<b>Медикментоз даволаш</b>	Стационар шароитда. 1. <b>Антибиотиклар:</b> Ампициллин 2-4 г/сут 4 махал, Амоксициллин 1,5-3 г/сут, 3 махал, ципрофлоксацин 0,5-1 г/сут , 2 махал 2. <b>Гипотензив терапия:</b> АПФ ингибитори, Антагонист кальций, АРА-II. 3. <b>Уроантисептиклар:</b> 5-Нок, Фуромаг,канефрон. <b>4 Буйракларда онайланишни хилашучун:</b> Трентал, курантил 400-600 мг\сут 8-12 ойгача давони узайтириш. 4. <b>Дезинтоксикацион терапия,</b> натрий гидрокарбонат 102 г 3 махал суткасига
17	<b>Қайта боғланиш</b>	Мутахасисга юбориш,УАШ га мутахасисда даво олгандан сўнг қайтади. Бемордан даволаш натижаси бўйича ҳаммаси тушунарли бўлғанлигини сўраш, номедикментоз ва медикментоз терапия бўйича саволлар, муамоллар қолмаганлигига, ҳаммаси тушунарли бўлғанлигига амин бўлиш, қайта кўрик санасини белгилаш.
18	<b>‘Д’ кузатув</b>	ДЗ – даволашга муҳтоҷ бўлган,сурункали касалликлар <b>а.</b> – компенсация (кам қўзувчи касалликлар, ишга лаёқатлигининг сақланиши)

	<b>гурухини аниқлаш</b>	<b>6.</b> – субкомпенсация (тез-тез күзувчи, ишга лаёкатлигини камайиши билан) <b>в.</b> – декомпенсация (ишга лаёкатсиз).
<b>19</b>	<b>Профилактиканинг назарий билимлари ва амалий қадамлари</b>	<b>1-ламчи профилактика:</b> соғлом турмуш тарзи, турмуш даражасини ошириш, яшаш шароитини яхшилаш, меҳнат ва дам олиш тартибига риоя қилиш. <b>2-ламчи профилактика:</b> касалликни эрта муддатларда аниқлаш (профилактик кўриклар, скрининг). Номедикаментоз ва таъсири исботланган дорилар билан медикаментоз даволаш. <b>3-ламчи профилактика:</b> касалларни ўз вақтида кузатиш, ўткир ва сурункали асоратларни профилактикаси, лаборатор-инструментал текширувлар маниторинги. Асоратларни сифатли реабилитасияси.
<b>20</b>	<b>Диспансеризация этаплари ҳақида назарий билимлар ва амалий қадамлар.</b>	<b>1</b> – касалликнинг назалогик формасини асослаш ва Д кузатув гурухига олиш (Д3). <b>2</b> – йил давомида кўриклар сонини белгилаш (йилига 4 марта) <b>3</b> – агар зарур бўлса мутахасислар кўригига юбориш (бир йилда 2 марта уролог кўриги, кўрсатмага биноан кардиолог кўриги) <b>4</b> – йил давомидаги лаборатор – инструментал текширувларни сонини белгилаш ва аниқлаш (УҚТ, УСТ 2 марта/йилига, УТТ 2 марта/йилига, ҚБТ 2 марта/йилига) <b>5</b> – шу йилга даволаш режасининг кетма-кетлигини тузиш. <b>6</b> – Д-кузатувни юқоридаги нозологияда кейинги Д-кузатув гурухига bemor ҳолатига қараб узгартириш.

**КБТ:** мочевина-7,3, креатинин- 0,08, умумий оқсил-74г/л, қанд-5,4 ммоль/л

**УСТ:** шаффоф, зичлиги- 1018, оқсил – 0,066 %, эпит.-3-4/1 , лейк.-7-8/1, эр-0-1/1, шиллик++, бактерия+.

**ЭКГ:** Синусли ритм, ЮУС 92 та/мин.  $R_{II} > R_I > R_{III}$ , Чап кўкрак тармоқларида ( $V_{5,6}$ ) R тишча амплитудаси қисман кўтарилган, ўнг кўкрак тармоқларида ( $V_{1,2}$ ) S тишча чуқурлашган.

**Нечипоренко синамаси:** лейк.-5000, эр.-1000, цил.-10.

**Буйраклар УТТ:** Ўнг буйракда косача жом системаси кенгайган, эхогенлиги ошган, ўнг буйракда тош  $d=4,0\text{мм}$ .

**Сийдик бактериологик экмаси:** E.Coli.

<b>1</b>	<b>Беморни ШАМ билимлари демонстрацияси билан кутиб олди</b>	Бемор билан саломлашиш, хуши ва ҳолатига баҳо бериш, bemorغا исми билан мурожат этиш, bemorgа оддий сўзлар билан мурожат этиш.
<b>2</b>	<b>Асосий ва қўшимча шикоятларни аниқлаш</b>	<b>Асосий:</b> кун давомида ўтиб кетувчи бош оғриғи, юзи, қўли ва оёқларида эрталабки шишлар. <b>Қўшимча:</b> уйқусизлик, иштаханинг пасайиши, қўнгил айнаши, қусиши, баданда қичишиш.
<b>3</b>	<b>Anamnesis morbi, vitae</b>	Бемор “Д” назоратида туради, bemorda 4 йил олдин совиб кетишдан сўнг биринчи маротаба шишлар пайдо бўлган ва мустақил қайтиб кетган. Ангина ўтказгандан сўнг ахволи кескин ёмонлашган. Уйланган, 1 фарзанди бор, асалари боқади (асал етиштиради). Чекмайди, спиртли ичимликлар истеъмол қилмайди.
<b>4</b>	<b>Хавф омилларини аниқлаш. Бемор муаммоси</b>	<b>Бошкариб бўлмайдиган:</b> Жинси, ёши. <b>Бошкариладиган:</b> ўчокли инфекция, совқатиши . <b>Асоси:</b> бош оғриғи, юзи, қўли ва оёқларида шишлар, қон босимиши юқорилиги. <b>Ёндош:</b> тез тез ангина бўлиб туриши, уйқусизлик, иштаханинг пасайиши, қўнгил айнаши, қусиши, баданда қичишиш
<b>5</b>	<b>Обектив кўрик ўтказиши</b>	Бемор озғин, тери қоплами рангпар. АҚБ 200/120 мм сим.уст. Юрак чегаралари чапга силжиган, аортада П тон акценти.
<b>6</b>	<b>Дастлабки ташхис ва категория хизмати</b>	<b>Асосий:</b> Сурункалигломерулонефрит, аралаш шакли, хуруж даври.САГ III. <b>Асорати:</b> СБЕ. <b>Категория 2.Нефрология бўлимига госпитализация.</b>
<b>7</b>	<b>Текширув режасини тузиш ва тор доирадаги мутахасис қонсультатсиясига ёки стационарга юбориш</b>	<b>3.1.:</b> УКТ, УСТ,мочевина, қонда қанд микдори, офтальмоскопия, ЭКГ. <b>3.2.:</b> ҚБТ (креатинин, умумий оксил, мочевина,холестерин, креатинин), Нечипоренко синамаси, Зимницкий синамаси, Реберг синамаси, сийдик бактериологик экмаси, коагулограмма. Буйраклар УТТ, обзор урография, зарур бўлса ретрография, уретропиелография, Буйраклар биопсияси. Нефролог, кардиолог қўриги ва стационарга госпитализация.
<b>8</b>	<b>Бемор уйида шошилинч бажарилиши мумкин бўлган лаб.-инст. текширувлар.</b>	АД ўлчаш ЭКГ олиш
<b>9</b>	<b>Мустақил қилинадиган амалий</b>	ЭКГ, офтальмоскопия

	<b>күнімка</b>	
<b>1 0</b>	<b>Лабаратор- иструментал текширув натижалари тәхлили</b>	<b>УКТ:</b> Нв-75 г/л, эритр.- $2,7 \times 10^{12}$ /л, лейкоцит- $6,2 \times 10^9$ /л, ЭЧТ-10 мм/ч <b>ҚБТ:</b> холестрин -5,4 ммоль\л, қонда қанд- 5,5 ммоль\л, мочевина-10 ммоль\л, креатинин - 0,5 ммоль\л, умумий оксил – 60 г\л <b>УСТ:</b> зичлиги-1030, оксил - 0,99%, лейкоцит -2-3/1, эритроцит 8-9/1, гиалинли цилиндрлар -4-5/1. <b>ЭКГ:</b> Синусли ритм, ЮКС - 94 та/мин. $R_{II} > R_I > R_{III}$ , Чап күкрап тармоқларида ( $V_{5,6}$ ) R тишка амплитудаси қисман күтариған, ўңг күкрап тармоқларида ( $V_{1,2}$ ) S тишка чуқурлашган. <b>Нечипоренко синамаси:</b> лейкоцитлар -3000, эритроцитлар -4000, цилиндрлар -40, <b>Реберг синамаси: КФ</b> – 40 мл/мин.
<b>1 1</b>	<b>Дифференциал диагностика</b>	Гипертония касаллиғи.Пиелонефрит. Буйраклар амилоидози, интерстициал нефрит, диабетик нефропатия
<b>1 2</b>	<b>Якуний ташхисни координация қилиш</b>	<b>Асосий:</b> Сурункалигломерулонефрит, аралаш шакли, хуруж даври. САГ III . <b>Ёндош:</b> Камқонлик II даражада <b>Асорати:</b> СБЕ, интерметровчи боскичи.
<b>1 3</b>	<b>Беморни стационар даводан кейинги қайта құрув</b>	Күрик пайтидаги bemor холатига қайта баҳо беріш ва келгусидаси тактикани танлаш.
